



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 05 | pp. 262-273 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ



Марданов Музаффар Ҳолбоевич,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти,
e-mail: mardonovmuzaffar91@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш жараёнларида раҷамли технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари таҳлил қилинган. Шунингдек, унда раҷамли технологиялардан фойдаланишнинг корхона молиявий натижаларига бўлган ижобий таъсири, маълумотларнинг аниқлиги ва тезкорлиги ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш имкониятлари ёритилган. Изланишлар натижалари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: харажатлар ҳисоби, маҳсулот таннархи, раҷамли технологиялар, бухгалтерия дастурлари, автоматлаштириш, маълумотларни таҳлил қилиш, визуализация, ERP тизимлари, молиявий ҳисботлар, самарадорлик.

Кириш

Ҳозирги замонда раҷамли технологиялар ҳар бир соҳада, шу жумладан, молиявий ва ҳисоб-китоб ишларида ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва оптималлаштириш имкониятини берадиган бу технологиялар, компанияларнинг молиявий натижаларини яхшилаш ва самарадорликни оширишга ёрдам беради. Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишда раҷамли технологиялардан фойдаланиш орқали маълумотларнинг аниқлиги ва тезкорлиги таъминланади, бу эса молиявий ҳисботларнинг ишончлилигини оширади ва самарали қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Раҷамли технологиялардан самарали фойдаланиш орқали компаниялар ўз харажатларини назорат қилиш, маҳсулот таннархини аниқлаш ва ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш имконига эга бўладилар. Бу эса уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятта эга.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Раҷамли технологиялардан фойдаланиш харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишда сезиларли афзалликлар беради. Бир қатор

мутахассислар ва тадқиқотчилар бу борада ўз ишларини олиб боргандар ва ўз тадқиқотларида турли ёндашувларни таклиф қилганлар.

И. А. Ибрагимов (2020) ўз тадқиқотида рақамли бухгалтерия дастурлари ва автоматлаштирилган ҳисоботлар орқали харажатларни аниқ ва тезкор ҳисоблашнинг афзалликларини кўрсатиб ўтган [1].

Н. К. Сайфуллаев (2019) рақамли технологияларнинг маълумотларни таҳлил қилиш ва уларни визуализация қилишдаги ролини ўрганган. У ўз ишида маълумотларнинг аниқлиги ва тезкорлиги қандай қилиб компаниянинг молиявий натижаларини яхшилашга ёрдам берини ёритган [2].

Т. М. Юсупова ва А. А. Каримов (2018) рақамли технологиялар ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш имкониятларини тадқиқ этганлар. Уларнинг ишларида рақамли воситаларнинг ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришдаги ролини кўрсатиб ўтишган [3].

Р. Ж. Шарипов (2017) рақамли технологияларнинг компаниянинг молиявий ҳисоботларига бўлган ижобий таъсирини ўрганган. Унинг ишларида автоматлаштирилган тизимлар орқали молиявий маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилигини таъминлаш йўллари келтирилган [4].

В. П. Иванов (2016) рақамли технологиялардан фойдаланишининг амалий тавсияларини ўз ичига олган тадқиқот ишларини ёритган. Унинг ишларида рақамли воситалардан самарали фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилган [5].

Мазкур адабиётлар рақамли технологияларнинг харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишдаги афзалликларини тўлиқ ёритиб, компаниялар учун амалий тавсиялар ва кўрсатмалар манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқот методикаси

Мақолада тизимили ёндашув, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, гурухлаш, индукция ва дедукция, мантиқий хulosалаш, статистик маълумотларни таққослаш ва бошқа усуслар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишда рақамли технологиялардан фойдаланиш бизнеснинг самарадорлиги ва аниқлигини оширишга ёрдам беради. Мазкур таҳлилда биз рақамли технологияларнинг ҳисобкитоб жараёнларига қандай таъсир кўрсатиши ва уларнинг афзалликларини кўриб чиқамиз.

Биринчидан, рақамли бухгалтерия дастурлари компанияларга харажатлар ва таннарх ҳисобини автоматлаштириш имконини беради. Бу дастурлар орқали маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги ошади, чунки инсон хатоларининг олди олинади. Масалан, рақамли бухгалтерия тизимлари харажатлар маълумотларини реал вақт режимида киритиш ва қайта ишлаш имконини беради. Бу эса компания раҳбариятига тезкор ва аниқ ахборотни тақдим этиб, самарали қарорлар қабул қилишда ёрдам беради.

Иккинчидан, рақамли технологиялар маълумотларни таҳлил қилиш ва визуализация қилиш имкониятларини кенгайтиради. Дастурий таъминот

воситалари орқали маълумотларни таҳлил қилиш ва уларни графиклар, диаграммалар ёрдамида визуализация қилиш компанияларга молиявий жараёнларни яхшироқ тушуниш ва таҳлил қилиш имконини беради. Бу эса харажатларни оптималлаштириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун муҳимдир.

Учинчидан, рақамли технологиялар ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва оптималлаштириш имконини беради. Масалан, ERP (Enterprise Resource Planning) тизимлари орқали компанияларнинг барча бўлимлари ўртасида маълумотлар алмашинуви яхшиланади ва ишлаб чиқариш жараёнлари мустаҳкамланади. Бу эса харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Тўртинчидан, рақамли технологиялар орқали молиявий ҳисоботлар шаффоф ва ишончли бўлади. Автоматлаштирилган ҳисбот тизимлари орқали молиявий маълумотларнинг аниқлиги ва тезкорлиги таъминланади, бу эса манфаатдор томонларга ишончли ахборот бериш имконини беради.

Харажатлар таҳлилини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар аксарият ҳолларда ечимини топа олмайди, айниқса, мураккаб ташкилий бошқарув тузилмасига эга бўлган йирик корхоналарда бу муаммо яққол кўзга ташланади. Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши бўлиб янги технологияларни татбиқ этиш билан бирга харажатларини оптималлаштириш ҳисбланади. Шу сабабдан, харажатлар таҳлили тизимини тўғри ишлаб чиқиш ва амалиётга сифатли тадбиқ эта олиш маълумот тақдим этиш тезлигини оширишда ҳамда ички фойдаланувчиларга маълумот тақдим этишда ва кўрсаткичлар таркибини танлашда муҳим аҳамият касб этади.

Корхонада харажатлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш жараёни барча вазифалар доирасини қамраб олиши зарурлиги сабабли, бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш дастурларини қўлламасдан, бухгалтерия хизматларининг самарадорлигини ошириш мумкин эмас. Дастур ёрдамида аналитик ҳисобни юритиш мумкин, ҳар бир ишлаб чиқариш харажатларини калькуляция моддалари бўйича деталлаштириш натижасида, бўлим ёки маҳсулот ҳиссасига тўғри келадиган харажатлар, улардаги оғишиш ва четланишлар тўғрисида аниқ маълумот олиш мумкин. Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятида тезкорлик ва аниқликни таъминлайди. Автоматлаштириш тўлиқ меҳнат ресурсидан фойдаланишни инкор этмаса-да, вақт сарфини қисқартиради, иш сифатини оширади. Бухгалтерия дастурий таъминотлари ўрганиш учун содда, фойдаланиш учун ишончли, ҳисоб юритилиши ва ҳужжатлар айланмаси учун зарурий функцияларга эга бўлиши, молиявий ҳисобнинг ягона маълумотлар базасига, архив маълумотларига кира олиш имконига эга бўлиши лозим.

Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилиши қуйидаги самарали натижаларга эриштириради:

- молиявий воситалар ҳаракати бўйича олинадиган ахборотлар соддалаштирилиши;

- тартиблаштирилган маълумотларга асосланган ахборотларни таҳлил этилиши;

- инсон омилига боғлиқ бўлган ҳисобдаги хатолар рискини камайтирилиши;
- бухгалтерия ҳисобининг тезкорлигини оширилиши;
- бухгалтерия бўлими моддий харажатларини қисқартирилиши;
- бухгалтерия бўлимининг ишчи жадвалини такомиллаштирилиши.

Юқорида келтирилган натижаларнинг бири бўлса-да, бажарилмаса, корхонада бухгалтерия жараёнларини автоматлаштириш профессионал тарзда жорий қилинмаганингини англаради. «Global Komsco Daewoo» МЧЖ хорижий корхонасида ҳам бухгалтерия ҳисоби «1С-Предприятие 8.2» дастурий таъминоти асосида юритилиб келинмоқда. Мазкур дастур бухгалтерия бўлимида жорий қилинган бўлса-да, бўлимнинг ўзида хужжатлаштириш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилмаган, бошқа ишлаб чиқариш бўлинмалари билан боғланмаган. Марказий, тайёр маҳсулот ва яримтайёр маҳсулотлар омборларида, ишлаб чиқариш сехларида, маъмурий бўлимларнинг иш фаолияти автоматлаштирилмаган, хужжатлаштириш жараёни қоғозлар билан амалга оширилади. Ҳисобот даври сўнгидаги барча хужжатлар масъул ходимлар томонидан бухгалтерия бўлимига тақдим қилинади. Бухгалтерия ходимлари бу маълумотларни дастурга киритиш, қайта ишлаш, ҳисботларни тайёрлашга кўп вақт ва меҳнат сарф этадилар, солиқ ва молиявий ҳисботларни тақдим этишнинг муддатидан кеч қолиш ҳолатлари учраб туради. Айрим хужжатларнинг ўз вақтидан кеч қолиб тақдим қилиниши ёки қоғоз вариантида ўзгартиришлар киритилиши натижасида, дастур билан хужжатлар орасида тафовутлар келиб чиқади. Айнан, бухгалтерия бўлимининг маълумотлари қайта ишланиб, масъул шахс ва бўлимларга топширилади, улар томонидан мазкур маълумотлар содда офис дастурларида бўлимларнинг ҳисбот шаклларида яна қайта ишланади, таҳлиллар амалга оширилади. Бу жараён ҳам вақт ва меҳнат сарфини талаб этади. Токи, керакли молиявий, иқтисодий ахборотлар раҳбарият маъмурларига етиб боргунига қадар, орадан вақт ўтади ва бу ахборотлар ўз аҳамиятини йўқотади.

Корхонада фойдаланилаётган «1С-Предприятие 8.2» дастурий таъминоти асосан, кичик ҳажмдаги ва содда ишлаб чиқариш фаолиятига эга, ишчилар сони кам, вақтбай иш ҳақи тўлови жорий этилган корхоналарда фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, корхона учун керакли бўладиган функцияларни бажаришда қийинчиликлар келтириб чиқаради ёки қўл меҳнатини талаб этади. Тадқиқот натижасида танланган дастурий таъминот қутилган самарани бермаётганлигини, ҳозирги кунга қадар автоматлаштириш жараёни тўлиқ тадбиқ этилмаганингини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Корхонанинг ишлаб чиқариш, молиявий ва харажатлар таҳлилини автоматлаштириш орқали самарадорлигини ошириш мақсадида кўп функцияли «1С:ERP Управление предприятием2» дастурий таъминотини тадбиқ этилиши ҳозирги замон талабига мос ва рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида мукаммал харажатлар таҳдилини ташкил этишнинг асоси бўла олади. Бу дастур қуийдаги модуллардан ташкил топган ва ҳар бир модуль маълум вазифалар учун мўлжалланган:

- Молия (ФИ) – бухгалтерия ҳисоботлари;
- Контроллинг (СО) – харажатлар ҳисоби;
- Асосий воситаларни бошқариш (АМ) – асосий воситалар ҳисоби;
- Лойихаларни бошқариш (ПС) – узоқ муддатли лойихаларни режалаштириш, мониторинг қилиш ва бошқариш;
- Моддий захиралар оқимини бошқариш (ММ) – захиралар билан таъминлаш ва бошқариш;
- Ишлаб чиқариши режалаштириш (РР) – ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш ва назорат қилиш;
- Сотиш (СД) – сотиш, етказиб бериш функцияларини бошқариш;
- Сифатни бошқариш (КМ) – маҳсулот сифатини бошқариш;
- Асобоб-ускуналар таъмири ва техник хизмат кўрсатиш (РМ) – таъмир ва техник хизмат кўрсатиш учун захиралар сарфи ҳисоби;
- Персонални бошқариш (ХР);
- Ахборот оқимини бошқариш (WФ) – корхона хўжалик жараёнларининг бошқарувини автоматлаштириш;
- Тармоқ ечимлари (IS) барча модулларни бир тизимда бирлаштиради. Дастурнинг афзаллиги у маҳсус «Kontrolling» модулига эга бўлиб, айнан мана шу модуль ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш, харажат моддалари бўйича режалаштириш, бюджет тузиш, нарх белгилаш, билвосита харажатларни тақсимлаш, ҳар бир калькуляция обьекти бўйича таннархни режа ва ҳақиқий кўрсаткичларини таққослаш, иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш функцияларини автоматлаштирилган тарзда бажариб беради (1-расм).



1-расм. «1C:ERP Управление предприятием2» дастурий таъминоти бўлимлари.

Манба:<https://www.nav-it.ru/services/avtomatizatsiya-biznesa/erp-sistemy/>

Корхонада режавий таннарх кўрсаткичи Режа-иктисод бўлимида МС Excel дастурида ҳисобланади. Бошқа ишлаб чиқариш бўлинмаларида ҳам хужжатлар ёки қўл меҳнати асосида ёки оддий дастурий таъминотлар ёрдамида тузилади. Бу дастурлар фойдаланувчиларга қулай бўлса-да, йирик ҳажмли ахборотлар билан ишлаш жараёнида дастурнинг иш сифатини пасаяди. Бу дастурда инсон омили катта роль ўйнайди. Дейлик, ҳар бир маҳсулот учун алоҳида жадваллар, схемалар, формулалар қайтадан киритилади. Арзимас техник хато ёки эътиборсизлик таннарх қийматини ёки камайтиради ёки қўпайтиради.

1-жадвал

Дастурий таъминотларнинг таққослама жадвали

1С-Предприятие 8.2	1С: ERP Управление предприятием2
Дастурнинг афзаликлари	
Тайёр созламаларнинг мавжудлиги	Ҳисобнинг жами бўлинмалари бир базада жамланиши, Режалаштириш сифатининг юқорилиги
Қисқа вақт ичида маълум шакллардан фойдаланиб, керакли ҳужжатларни олиш имкони	Халқаро стандартларга мувофиқ трансформация жараёнини амалга ошириш имкони
Юқори малакали мутахассисларга эҳтиёжнинг бўлмаслиги	Иш унумдорлигининг юқорилиги, онлайн тарзда, ҳатто мобил қурилмалари ёрдамида ҳисобни юритиш имкони
Муайян вақт ичида иложи борича вазифаларга жавоб берадиган дастурни олиш имконияти	Интеграллашган тармоқ модулларининг мавжудлиги
Корхонанинг ҳисоб сиёсатига ва қонунчиликка мос равища ўрнатиш мумкинлиги	Харажат ва даромадларни ҳисобга олиш ҳисобларининг кенгайтирилган созламалар мавжудлиги
Дастурнинг камчиликлари	
Мунтазам равища янгиланишини талаб этиши, ҳисоб-китобларнинг паст тезлиги	Амалиётга тадбиқ қилишда юқори моддий харажатларни талаб этиши
Муайян фаолият қисми учун ишлатилиши, яъни универсал эмаслиги.	Дастурнинг мураккаблиги ва қўшимча ишланмаларни талаб этиши
Кўп миқдоридаги фойдаланувчилар бир вақтда ишлаганда битта маҳаллий компьютерда ишлаш мумкинлиги, онлайн ишлашда дастурнинг секин ишлаши	Юқори малакали кадрларга талабнинг юқорилиги, уларни қайта ўқитиш эҳтиёжининг мавжудлиги
Ҳисобда хатони излашда қийинчиликлар, такрорланиш ҳолатларнинг учраши	Компьютер воситаларига талабнинг юқорилиги
Жами ҳужжатларни кетма-кетлиқда автомат қайта ўтказмаларни бериш	Маълумотлар базасини ҳимоя қилиш талабининг юқорилиги

ИМКОНСИЗЛИГИ	
--------------	--

Манба: <https://rarus.ru/1c>; <https://www.1ab.ru/>

Таклиф қилинаётган «1С: ERP Управление предприятием2» дастури корхонанинг барча бўлинмаларини қамраб олади, таннарх ҳисобини ҳам бевосита бухгалтерия, омбор, цех, технолог, ишлаб чиқариш диспетчерлиги бўлимлари маълумотларидан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаш имконини беради.

Корхонада калькуляция жараёнларини амалга оширишда бир қатор қийинчилик ва камчиликлар мавжуд бўлиб, бунда кадрларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнининг технологиясини яхшилаб ўрганиш ва мақбул вариантни қўллай билиш, айниқса устама харажатларининг тақсимланиш жараёнини тўғри амалга ошириш корхона учун муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Қолаверса, бухгалтерия ҳисобида корхонанинг ҳисоб сиёсатида белгиланганидек, 2310, 2510, 2710 ҳисобварақларида ёрдамчи ишлаб чиқариш ва устама харажатлар ҳисобини юритиш 2010 ҳисобварақнинг ҳар бир элементи бўйича тўғри шаклланишини таъминлаб беради, ҳар бир калькуляция обьекти бўйича таннарх шаффоғлигига эришилади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш харажатларнинг қисқаришига, захиралар ҳаракатини муқобиллашувига, ишлаб чиқариш ресурсларидан янада самарали фойдаланишга, капитал айланмасининг тезлашувига, ходимлар ишини назоратини кучайтиришга, мақсадли ва тезкор бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш имконини беради.

«Global Komsco Daewoo» МЧЖ хорижий корхонаси йирик целлюлоза ва қофоз фабрикаси ва 250 дан ортиқ ходимга эга бошқарув идорасига эга.

Компания томонидан ишлаб чиқарилган целлюлоза толаси банкнотлар, визалар, паспорт маълумотлари сахифаларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган ҳимоя қофозларини ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

2-жадвал.

«Global Komsco Daewoo» МЧЖ хорижий корхонасининг 2020 йилдаги иқтисодий фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари таҳлили¹, минг сўм

Кўрсаткичлар номи	коди	Ҳисбот йилида корхона бўйича – жами	шу жумладан асосий иқтисодий фаолият тури бўйича
1	2	3	4

¹ «Global Komsco Daewoo» МЧЖ хорижий корхонаси молиявий ва статистик ҳисбот маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси. <http://www.gkd.uz/page/1>

Ўз кучи билан ишлаб чиқарилган маҳсулот амалдаги нархларда (ишлар, хизматлар) қиймати (ҚҚС ва акцизсиз)		101	185 114 180	185 114 180
Корхонанинг айланмаси (ҚҚС ва акцизсиз) – жами		102	208 369 391	208 369 391
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	йил бошига	106	504 815	504 815
	йил охирига	107	2 274 646	2 274 646
Тайёр маҳсулот	йил бошига	108	25 004 818	25 004 818
	йил охирига	109	7 709 852	7 709 852
Ишлаб чиқариш захиралари	йил бошига	112	36 684 084	36 684 084
	йил охирига	113	37 118 317	37 118 317

Юқоридаги 2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада ўз кучи билан ишлаб чиқарилган маҳсулот амалдаги нархларда (ишлар, хизматлар) қиймати (ҚҚС ва акцизсиз) ҳисобот йилида корхона бўйича – жами 185 114 180 минг сўмни ташкил қилган. Корхонанинг айланмаси (ҚҚС ва акцизсиз) – яъни маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан келган тушуми жами 208 369 391 минг сўм бўлиб, тугалланмаган ишлаб чиқариш йил бошига 504 815 минг сўм ҳамда йил охирига 2 274 646 минг сўмни ташкил этган. Ҳисобот йили охирида тайёр маҳсулот -17 294 966 минг сўмга ёки 30,8 % га камайган. Корхонанинг ишлаб чиқариш захиралари ҳисобот йили охирига келиб 37 118 317 минг сўм бўлиб, унинг ҳисобот даври бошига нисбатан мутлақ фарқи 434 233 минг сўм (101,2 %) бўлганлигини кўрамиз. Хулоса қилганимизда, корхонанинг умумий қўрсаткичлари ҳисобот даврида базис даврига нисбатан тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш захираларининг кўпайтганлигини кузатамиз. Ўз навбатида тайёр маҳсулот ҳажмининг камайиши юқоридаги иккита қўрсаткичга тескари пропорционал эканлигини гувоҳи бўламиз.

Пахта қоғоз пуллар ва ҳимоя ҳужжатидан ташқари, юқори соғлиги, биологик парчаланиши ва қайта ишланиши туфайли қурилиш, фармацевтика, нефть бурғулаш, озиқ-овқат, косметика, гигиена маҳсулотлари ва бошқалар каби турли соҳаларда доимий равища жорий этилади. Шу сабабли, компания ўз маҳсулотларини экологик тоза ишлаб чиқаради, чунки уларнинг барчаси инсонларнинг соғлиги ва кундалик ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир [8].

Ҳозирги пайтда хўжалик субъектлар амалиётида харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуслари технология ва ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилишни тақозо этади ва унга бевосита боғлиқ бўлади. Уларда оддий, жараёнли (шу жумладан, бўлинмали) ва буюртмали усуслар

харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни аниқлашнинг норматив усули билан боғлаб олиб борилмоқда.

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётининг ҳар бир маҳсулот турига очилган аналитик счётларида харажатлар белгиланган харажат моддалари бўйича ҳисобга олиб борилади.


Аналитик счётлар маҳсулотларни қайта ишлашдаги технологик жараёнлар бўйича очилади.

Харажатларни умумлаштириш усули (оддий усул)да маҳсулот таннархи маҳсулотнинг алоҳида қисмлари ёки уларни тайёрлаш жараёни бўйича аниқланади. Бу усул, одатда, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарилганда қўлланилади.

Бунда қўшимча маҳсулотга харажатларни чиқариб ташлаш усули шундан иборатки, бунда ишлаб чиқаришдан олинадиган маҳсулотлар асосий, қўшимча ва ёндошларга бўлинади. Асосий маҳсулот таннархини аниқлаш учун қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар олдиндан белгиланган баҳолар бўйича умумий харажатлардан чиқариб ташланади. Харажатларни мутаносиб тақсимлаш усули маҳсулотларнинг бир неча турини бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш шарти билан улар таннархини калькуляция қилиш учун қўлланилади. Ушбу усул асосан аралаш маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бунда харажатлар ҳисоби ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар гуруҳи бўйича ташкил этилади, гуруҳлар ичида гуруҳлар эса иқтисодий жиҳатдан асосланган, баъзида мутаносиб равишда маҳсулотларнинг алоҳида турларига тақсимланади.

Калькуляция қилишнинг аралаш усули юқорида санаб ўтилган усулларнинг ҳар бирини алоҳида қўллаш имкони бўлмаса ёки маҳсулот таннархини асосли ҳисобга олиш таъминланса, уларнинг бир нечтасини ўзаро бирикувини ифодалайди.

Бозорни шакллантириш ва уни тартибга солиш усулларини ишлаб чиқиш талаб, таклиф ва баҳо каби ўзаро алоқадор ва ўзаро боғлиқ бозор элементларини тўғри белгилаб олиш орқали амалга оширилади. Тизимдаги бу элементлар доимо ўзгарувчан бўлиб, ишлаб чиқариш омиллари, харажатлар ва даромадлилик каби омиллар таъсирида бўлади.



1-расм. «Харажатлар-ишлаб чиқариш ҳажми-фойда» кўрсаткичлари таҳлили [7]

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар ўргасида иқтисодий рақобатбардошлик муҳитининг шаклланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг илғор тизимларидан фойдаланиш заруратини туғдиради.

Хорижий мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг замонавий шароитида стратегик ва тактик ҳусусиятга эга бўлган бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни корхонанинг харажатлари ва молиявий натижалари ҳақидаги ахборотга таянади. Бу вазифани бажаришда «Standart-cost» ҳисоб тизими корхона харажатларини бошқаришда самарали қуроллардан бири ҳисобланади. Унинг асосида белгиланган нормалар доирасида ҳамда улардан четланишлар бўйича ҳисоб юритиш ва назорат қилиш тамоилилари ётади.

Маҳсулот таннархини аниқлашнинг жараёни усулидан маҳсулот ишлаб чиқаришда хомашёнинг бир неча жараёндан ўтганидан сўнг тайёр маҳсулот ҳолига келадиган ишлаб чиқаришларда фойдаланилади.

Таннархни калькуляция қилишнинг жараёни усули узлуксиз, бир неча босқичдан иборат жараёнлар бўйича кўп миқдордаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда қўлланилади. Бунда маҳсулот таннархини калькуляция қилиш қўйидаги усуlda амалга оширилади:

- ўртача ҳисоб усули. Мазкур усуlda харажатлар, шу жумладан, ҳисбот даври бошидаги қолдиқ суммаси ҳам қўшилиб, шу даврда ишлаб чиқилган шартли тайёр маҳсулот бирлигига бўлинади [6].

Целлюлоза-қофоз саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлилининг манбаи бўлиб «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот (2-шакл)», шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 9 февралдаги 6-мб-сон қарорига 107-илова «Ташкилот хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида ҳисбот (1-корхона шакли)» ва 2018 йил 8 октябрдаги 6-мб-сон қарорига 19-иловаси «Саноат корхоналарининг маҳсулот етказиб бериш ва моддий ресурсларни олишга шартномалар тузишининг бориши юзасидан ҳисбот (2-саноат шакли)» ва бошқалар ҳисобланади.

3-жадвал

«Global Komsco Daewoo» МЧЖ хорижий корхонасининг 2020 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таҳлили², минг сўмда

Кўрсаткичлар номи	Ҳисбот иилида жами	шу жумладан, асосий иқтисодий фаолият	Ноишба б чиқариш харажат- лари

² «Global Komsco Daewoo» МЧЖ хорижий корхонаси молиявий ва статистик ҳисбот маълумотлари.
<http://www.gkd.uz/page/1>

		тури бўйича	
Харажатлар – жами	190 573 263	140 329 887	50 243 376
-Моддий харажатлар (чет ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни қўшган ҳолда) (қайтариладиган чиқитларни чегирган ҳолда)	110 149 510	108 966 994	1 182 516
-хом ашё ва материаллар (сотиб олинган)	99 482 147	99 042 631	439 516
-четдан олинадиган ёқилғи	5 744 020	5 580 444	163 576
-харид қилинадиган электр энергия	2 422 406	2 282 890	139 516
-бошқа ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар	1 487 539	1 356 519	131 020
-бино ва иншоотларни жорий таъмирлаш	165 520	109 000	56 520
-машина ва асбоб-ускуналарни жорий таъмирлаш	107 000	32 500	74 500
-машина ва асбоб ускуналарни капитал таъмирлаш	137 520	137 520	
-бошқа моддий харажатлар	1 013 398	704 510	308 888
Иш ҳақи харажатлари	11 182 050	8 184 822	2 997 228
Ижтимоий сұғурта ажратмалари	1 341 847	982 179	359 668
Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси	17 500 193	13 103 835	4 396 358
-улардан: асосий воситаларнинг амортизацияси	17 500 193	13 103 835	4 396 358
Бошқа харажатлар	50 399 663	9 092 057	41 307 606

«Global Komsco Daewoo» МЧЖ хорижий корхонасининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини горизонталь ва вертикал таҳдил усуллари ёрдамида амалга оширамиз (3-жадвал).

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимиз саноатини целлюлоза-қоғоз маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда ҳамда импорт ўрнини босадиган миллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда мазкур тармоқни ривожлантириш мухим стратегик аҳамиятга эга. Таҳлилларнинг гувоҳлик беришича, мазкур корхонанинг харажатлари таркибида моддий харажатларнинг юқори салмоқقا эга эканлигини, меҳнат ва иш ҳақи харажатларининг ҳажмини ошириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, харажатлар таҳлили жараёнида «Бошқа харажатлар» моддасининг улуши катта эканлигини инобатга олиб, уни алоҳида ёйилган тарзда ўрганиш зарур.

Бу ўз навбатида истиқболда корхонанинг барқарор ривожланиши учун замин бўлиб хизмат қиласи, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли технологиялар харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш жараёнларини сезиларли даражада яхшилади. Улар орқали компаниялар ўз молиявий натижаларини аниқ ва тезкор равишда кузатиб бориш, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш ва рақобатбардошликни ошириш имконига эга бўладилар. Шунинг учун, рақамли технологияларнинг жорий этилиши ва самарали фойдаланилиши ҳар қандай компания учун муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ибрагимов, И. А. (2020). Рақамли бухгалтерия дастурлари орқали харажатларни аниқ ва тезкор ҳисоблаш. Google Scholar.
2. Сайфуллаев, Н. К. (2019). Рақамли технологияларнинг маълумотларни таҳдил қилиш ва визуализация қилишдаги роли. ResearchGate.
3. Юсупова, Т. М., ва Каримов, А. А. (2018). Рақамли технологиялар ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш. Academia.edu.
4. Шарипов, Р. Ж. (2017). Рақамли технологияларнинг молиявий ҳисботларига бўлган ижобий таъсири. SpringerLink.
5. Иванов, В. П. (2016). Рақамли технологиялардан фойдаланишинг амалий тавсиялари. ScienceDirect.
6. Ҳасанов Б.А., Алиқулов А.И., Джуманова А.Б., Суюнов Ё.Б., Ҳасанова Р.Б. Амалий бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.–Т.: Иқтисодиёт, 2020. – 288 б.
7. Ҳасанов Б.А., Нурманов К.Т., Ҳасанова Р.Б. Замонавий бошқарув ҳисоби. Дарслик. – Т.: // «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021 – 416 б.
8. Ҳасанов Б.А., Марданов М.Х. Целлюлоза-қоғоз саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили услубларини такомиллаштириш. «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит, таҳдил ва назорат тизимларини такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги Республика онлайн илмий-амалий конференсия материаллари тўплами (хорижий қатнашчилар иштирокида) -Т.: ТДИУ, 2021. -340 б.
9. Ҳасанов Б.А. ва бошқ. Молиявий таҳдил. Дарслик. – Т.: “Iqtisodiyot”, 2019. 736 б.
10. Пардаев А.Х., Пардаева З.А. Бошқарув ҳисоби.–Тошкент, 2014.–318б.
11. <https://rarus.ru/1c>; <https://www.1ab.ru/>